

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

РЎНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўномаси

1992 йил 30 май • шанба
№ 86 (10.335). Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҲАЛЛА ХАРИД НАРХИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ҳалла етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш ҳамда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, ижарачи жамоалар ва фермер хўжаликларининг оширилган улгуржи нарх-

ларда моддий-техникавий ресурсларни сотиб олиш харажатларини қисман қоплаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигининг ҳалла харид нархларининг

энг юқори даражасини ошириш юзасидан Молия вазирлиги билан келишилган ва иловада кўрсатилган тарифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги янги харид нархлари рўйхати-

ни бир ҳафта муддатда нашр этиб, манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

КРЕДИТ МАВЛАҒЛАР АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Нархлар ошганлиги ва кредит мавлағлар тақчиллиги сабабли республика халқ хўжалигининг бир маромда ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат банкига sanoat корхоналари, деҳқончилик-саноат мажмуи, савдо ва таъминот ташкилотларига кредит пули бериш учун аниқ мақсадни

мўлжаллаб 4500 миллион сўм ҳажмида кредит мавлағлар ажратиш тавсия қилинсин.

2. Мазкур кредит мавлағлар 2500 миллион сўм миқдорида Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банкига ва 2000 миллион сўм миқдорида Ўзбекистон Саноат-қурилиш банкига берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И. КАРИМОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 28 МАЙДАГИ 250-СОНЛИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ДОННИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ХАРИД НАРХЛАРИ

(бир тоннаси учун сўм ҳисобида)

Бугдой	8000
Арпа	6400
Сули	6400
Қора бугдой	7660
Шоли	11000

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТДАН
БЮДЖЕТГА СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларига, деҳқонлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат томонидан қўшимча мадад бериш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари 1992 йилнинг 1 июнидан бошлаб қўшимча

қийматдан солиқ тўлашдан озод қилинсин.

2. Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига солиқ тўлашдан озод бўлиш ҳисобига олинган қўшимча мавлағларни асосан иш ҳақини оширишга сарфлаш, маҳсулот иш-

лаб чиқариш харажатларида меҳнат ҳақи жамғармасининг 70 фоизига қадар етказилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармон бажари-

лишини ташкил этиш юзасидан 3 кун муддат ичида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон
Республикасининг
Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Инсонпарварлик, раҳм-шафқат ва бегараз ёрдам бериш, халқ анъаналарини намойиш этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда Қизил ҳоч ва Қизил ярим ой ҳаракатининг олий мақсад ва қондаларини рўёбга чиқаришда жумҳурият жамоатчилигининг иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Қизил ҳоч ва Қизил ярим ой халқаро ҳаракатининг бир қисми сифатида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг ваколатларини белгилаб берган 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларини ҳамда 1977 йил 26 сентябрдаги I ва II қўшимча протоколларни тасдиқлаш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг муҳокамасига қўйилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти республиканинг бутун ҳудудида иш кўради ва инсонпарварлик ёрдами бериш соҳасида давлатга ҳамда унинг соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идораларига ихтиёрий равишда кўмаклашади. Давлат Қизил ярим ой жамиятининг ҳуқуқ ва ваколатларига риоя этилишини кафолатлайди ҳамда Низомда кўрсатилган фаолиятни амалга оширишда унга ёрдам беради.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Қазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Қизил ярим ой жамиятининг

инсонпарварлик фаолиятида уни бутун чоралар билан қўллаб-қувватласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қизил ярим ой жамияти билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига:

«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига биноан солиқ солинадиган манбадан истисно қилинадиган Қизил ярим ой жамиятининг хайрия бадаллари ва бошқа хайр-эхсонлар миқдорини чеклашни бекор қилиш тўғрисидаги;

Қизил ярим ой жамиятини ҳамда у таъсис этган ташкилотлар ва корхоналар бюджетга тўланадиган барча солиқ мавлағларидан Ни-

зомдаги асосий вазифаларни бажаришлари учун тўлиқ фойдаланиш шарти билан уларни ана шу солиқлардан озод қилиш ҳақидаги тарифларни тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қизил ярим ой жамияти мавлағ тўплаш юзасидан хайрия тadbирларини ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин, шунингдек, жамият фаолиятини кучайтириш ҳамда унинг Қизил ҳоч ва Қизил ярим ой миллий жамиятлари халқаро федерациясига аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ масалаларни ҳал этсин.

Ўзбекистон
Республикасининг
Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ПОЙТАХТИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 29 май кунини давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги шартномани имзолаш учун Россия пойтахти Москвага жўнаб кетди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

28 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисида «1992—1993 йилларда республика корхоналарида энг зарур ашёвий моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко шу ҳақда маъруза қилди.

Мажлисида, шунингдек республикадаги бир қанча олий ўқув юртларининг ректорлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Пўлдошев иштирок этди.

(ЎзА).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан республика прокуратураси идораларининг энг яхши ўрнак кўрсатган ходимлари мукофотланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БҲИЧА:

Чирчиқ шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчиси Самат Сатторов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони билан, Тошкент вилоятининг прокуратори Абдурашид Муталович Маннонов, Бўқа районининг прокуратори Нурали Эргашевлар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрликлари билан мукофотландилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ТАШКИЛОТИДА

УНВОН БИЛАН ҚУТЛАБ



Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан оламини тебратади, деб бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, ҳаётимиз улар билан мазмунли ва гўзал. Айниқса, ўзбек хотин-қизлари Тўмарисдек мард, Нодира-бегимдек истеъдодли ва оқила, Увайсийдек нозиктаъб ва яна қанчалаб машҳур ўтмишдошлари билан фахрланадилар. Гоҳ қувончли, гоҳ ташвишли кечаётган айни кунларимизда ҳам ўз меҳнати, истеъдоди, дилбар овози билан танилиб, эл оғзига тушган замондошларимиз ҳам борки, уларни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Хусусан, Зулфия опа, марҳума Саида оналар изидан дадил бораётган Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёвалар ана шундай ардоқли ва суюкли адибаларимиздандир. Кунин кеча жумҳуриятимиз бўйлаб тарқалган ажойиб хушхабар барчанинг дилини хушнуд этди: бу икки хассос ижодкорларга Ўзбекистон халқ шоираси унвони берилди. Журналистлар уюшмаси, унинг Тошкент ташкилоти бошқаруви ташкил этган кеча ана шу қувончли воқеага бағишланди.

Кечага икки ижодкор, икки муҳаррир аёлни ҳамкасблари, шогирдлари, республикамиз матбуотининг кўзга кўринган намоёндалари, ойнома ва рўзномаларнинг ходимлари меҳмон бўлиб келдилар.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти бошқарувининг раиси Н. Насимов кечани очар экан, тантана сабабчиларини кўп минг кишилик ўқувчилар номидан юксак унвон билан қутлади. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси Л. Кабиров ҳам шоирларни қутлаб, уларга табрикнома топширди.

— Сизларнинг қувончингиз — бизнинг қувончимиз, — деди сўзга чиққан Ўзбекистон журналистлар уюшмаси қошидаги хотин-қиз журналистлар шўъбаси раиси Дилбар Маҳмудова, — Албатта, бу қувончли кунларнинг изтиробли, уйқусиз тунлари кўп бўлган. Чунки, сиз ҳар иккала гиз мана бир неча йиллардан буён ҳам шоира, ҳам муҳаррир, ҳам яхши бир оила бекаси, аҳил ва иноқ жамоалар бошлиғисизлар. Бунинг устига Ҳалимахоновнинг депутатлик, ҳукумат ишларида фаолликларини ҳам қўшсак битта аёл қудратига таҳсинлар ўқийсиз.

Шоира Гулчеҳра Нуруллаева ва Мирзо Кенжабек касбдошларига эзгу тилаклар билдирдилар.

— Шоиралар доимо уйгоҳ қалб эгалари бўладилар, — деди ўз табрик наватида Кибриё Қаҳҳорова,

— ҳунармандлар кексайган сари ўз ҳунарларини қилломай қоладилар. Уста иморат ҳавозасига чиқолмайди, чавандоз отига минолмайди. Лекин ижод аҳли кексайган сари илҳомга тўлиб бораверади. Мен бу икки шоира ўз халқини борган сари ўзларининг ажойиб, дилбар асарлари билан яна узоқ йиллар хурсанд этаверадилар, деб ишонаман.

Албатта, шоира бор жойда шеър бор, қўшиқ бор. Шу бонс жумҳуриятга машҳур дуторчи қизлар, таниқли хонанда Маҳмуджон Тожибоев ижро этган қўшиқлар кечанинг фойзига янада фойз киритди.

Юксак мукофот юксак масъулият юклайди. Шоиралар ўз мустақиллигини мустаҳкамлаётган Ўзбекистонимизга, халқимизга қўлимиздан келган хизматимизни аямаймиз, деб ваъда бердилар.

Зулхумор ЖУРАЕВА.

СУРАТЛАРДА: тантанали учрашувдан лавҳалар.

Даврон АХМАД суратлари.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНГ ЯХШИ
УРНАК КЎРСАТГАН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ
ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛЛАРИДАН
ВИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳр-мурувватни ривожлантириш ва аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари, касалликларнинг олдини олиш ва даволашдаги фаоллиги ҳамда жамоат фаолияти учун қўйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

(ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА)

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРВОБИ»:

АЗИЗОВА Санъат Собирова — Тошкент Педиат-

рия тиббиёт институтининг кафедра мудири
ҚОДИРОВА Асолат — Тошкент Давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири

УНГБОВЕВ Тоштемир — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травмотология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»:

МИРЗАЕВ Шоакбар Ино-
гомиевич — Тошкент шаҳар

Акмал Икромов туманидаги 8-поликлиника бош шифокори

МИРХУЖАЕВ Соҳи Хужаевич — Тошкент Давлат тиббиёт институтининг про-
ректори

РАҲИМОВ Нишонали Раҳимович — Тошкент вилояти Янгийўл туман марказий, касалхонасининг бош шифокори

САДРИДИНОВ Маслауддин Камолович — Тошкент шаҳар 9-стоматология поликлиникасининг бош шифокори

ШОРУСТАМОВ Шоанвар — Тошкент вилоят «Фармация» бирлашмаси директорининг ўринбосари

ҚУЙИДАГИЛАР
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАҲРИЙ ЕРЛИҒИ
БИЛАН
МУКОФОТЛАНСИН

АКБАРОВА Рихси Ҳолқузиёева — Тошкент вилояти Янгийўл туман меҳр-

мурувват тиббий ҳамшираси

ОРТИҚОВ Эркинбой Маҳмудович — Тошкент вилояти Қизил ярим ой жамияти Паркент туман комитети раисининг ўринбосари

АСТАХОВА Лариса Викторовна — Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти марказий комитети тиббий-ижтимоий ёрдам ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш бўлими бош-
лиғининг ўринбосари.

ЖАЛОЛОВА Лола Хорунновна — Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЭШОНХОНОВА Светлана Абдуллаевна — Ўрта Осиё темир йўли «Тошкент» бека-
тидаги санитария-эпидемиология назорати бош шифокори.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 май.

КУЧЕРБОВЕВА Комила Оролбоевна — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман Қизил ярим ой жамияти меҳр-мурувват хизматининг тиббий ҳамшираси.

ПРИХОЖАЕВА Мария Егоровна — Қизил ярим ой жамияти Тошкент шаҳар комитети меҳр-мурувват хизмати тиббий ҳамшираси.

САЛИМОВ Ботир Тошпулатович — Тошкент шаҳар, Қизил ярим ой жамияти Собир Раҳимов туман комитети раисининг ўринбосари.

ТОЖИЕВ Сергей Тожиёвич — Тошкент шаҳар Қизил ярим ой жамияти Ки-
ров туман комитетининг ин-
структори.

ТОШМУҲАМЕДОВ Обиджон Арслонович — Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти марказий комитетининг ишончли шифокори.

И. КАРИМОВ.

Яхшиликнинг қаноти бўлади, дейишгани рост экан. Вилоят ҳокимлиги томонидан бошланган ташаббус дарҳол Бўка район ҳокимлигига етиб борди-да, тўй тараддудига киришди. Ноҳия ҳокими Қодир Элчибоев, унинг муовини Рустам Худойқулов, ХДП биринчи котиби Баҳром Раҳмонқулов, болалар уйи директори Виктор Им, район матлубот жамияти раиси Абдувоит Мавлонов ва бошқа фаоллар йиғилиб, маслаҳат қурдилар. Дунёда ҳимматли инсонлар кўп. Шу жумладан, Бўкада ҳам. Шундай иқтисодий мураккаб шароитда юртга ош тортиб, тўй ўтказишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

— Хотиржам бўлинг, — деди маслаҳат давраида болалар уйига бир неча йиллардан бери оталиқ қилиб келаётган «Меҳнат» ширкати раиси Облоёр Уринов, — ҳаражатларни бизнинг жамоамиз ўз зиммасига олади.

— Барака топинглар, савобли ишга қўл уряпмиз. Тўй кори-ҳайр, бошласак бўлди. Аллоҳ ризқ-рўзини етказди, — уни қўллаб-қувватлади райондаги «Дўстлик» ширкати раиси Шарифжон ҳожи Валижонов.

Болалар уйи жойлашган «Дўстлик» маҳалласи фаоллари, етимхонанинг барча ходимлари «қамишдан бел боғлаб» хизмат қилишга шай эканликларини билдирдилар. Оқсоқоллар 28 майни тўй куни деб белгиладилар.

Шундан сўнг ҳокимлик, юқоридаги ширкатлар раҳбарлари, матлуботчилар сидқидиллик билан тайёргарликка киришдилар. Пойтахтда эса болаларнинг жонидили, вилоят болалар жамғармаси бошқаруvinнинг раиси Мунира Солиҳова, шу жамғарма ходими Баҳодир Қайумовлар тўйболаларга саруполар тайёрлаш билан шуғулландилар. Улар тўйни мазмунли ўтказиш дастурини ишлаб чиқишда ҳам район ҳокимлигига кўмаклашдилар.

Ҳамма орзиқиб кутган кун келди. Карнай-сурнай садолари янгради. Жозибали кўйлар дилларга ором бахш этди. Тўйхона чиройини сўз билан ифодалаш қийин. Дастурхонлар тўкин, столлар устига ял-ял товланган анвойи гуллар қўйилган, тўйбошилар шодиёнага ташриф буюрган меҳмонларни тавозе билан кутиб олдилар.

Давра тўрида тўйларни ўтказиладиган етти нафар болажонлар — Сергей Васюткин, Рустам Кузнецов, Руслан Фазлиёнов, Чингиз Тўлаганов, Отабек Мирзақулов, Руслан Кузнецов, Дима Лисуновлар.

Бу ўзбек болаларининг ҳозир қисматига, тарихига чўқур назар солиш пайти эмас. Уларнинг исмлари ҳам тақдир белгиланган муҳитга монанд кезларда қўйилган. Жумҳуриятимизда



БОЛАЛАР УЙИДА ТЎЙ

БўКА РАЙОНИДАГИ 15-БОЛАЛАР УЙИДА 7 НАФАР ЎГИЛНИНГ СУННАТ ТЎЙИ БЎЛИБ ЎТДИ

мустақиллик шамоли эсгунга қадар шу қисмат белгилаган ҳаёт йўли билан яшаб келганлар. Шунинг учун улардан баъзиларининг ёши 14-15 га ҳам етиб қолган.

— Тўйимизни қилиб беришадиганидан хурсандмиз, — дейди Чингиз, — бу кунни ҳеч қачон унутмаймиз.

Тўйболалар билан суҳбатлашамиз. Улар бошларида туну-кун парвона бўлаётган етимхона ходимлари Майрам Аҳмедова, Тоҳира Исмоилова, Марҳамат Тўлаганова, Нафиса Мирзамуродова, Мовлуда Эшонқулова, Барно Абдуллаева, Ҳайдар Мусаев, Комил Назировлар номини ҳурмат билан тилга олдилар. Болалар уйи директори Виктор Им ҳақида меҳр билан сўзладилар. Биз бу болакайларнинг кўзларида секинча порлаганидан тўлқинландик.

Суҳандон тўйни очиб, меҳмонларни дастурхонга таклиф этди. Вилоят ҳокимлиги номидан тўйболаларни қутлаган вилоят ҳокими муовини Ҳакимжон Ҳамидов чўғдек гиламни болалар уйига тўёна этди.

Бизга ойнаи жаҳоннинг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви орқали таниш бўлган ширинзабон отахон Шарифжон ҳожи Валижонов тўйболаларнинг ҳар бирига тўн, дўппиларни кийгизар экан, мунис онахонлар кўзларида ёш халқаланди. У болалардан икки нафарига 1 минг сўмдан пул ўтказилган омонат дафтарчаларини ҳам топширди. Шу кун болалар ҳисобига пул ўтказиб,

бундай ҳужжатларни топширган кишилар кўп бўлдилар. Ҳокимлик, район матлубот жамияти, унга қарашли қишлоқ матлубот жамиятлари, «Табассум» универмаги жамоалари, умумий овқатланиш корхоналари... уларни бирмабир санаб бериш қийин.

Табассум билан ўтирган тўйболаларни район ҳокими, Қодир Элчибоев, вилоят ҳокими муовини Баҳодир Маҳситов, район матлубот жамияти раиси Абдувоит Мавлонов, шoir Арслон Умаров, Маннон Уйғур номли мактаб директори Евдокия Ивановна, район марказий касалхонаси бош шифокори Хайриниса Асомова, ҳайдовчи Шавкат Асқаров ва бошқалар ҳам қутладилар. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон Савдо уйи Бўка бошқармаси директори Ҳаким Турсуновнинг сўзларини мамнуний билан тингладилар. У болаларни қутлар экан шундай деди:

— Қадрли меҳмонлар, мен бу шодиёнага арзимас бир совға билан келдим. Бу болалар уйи билан бизнинг жамоамиз орасида тузилган шартномадир. Унга мувофиқ болалар уйидан олий ўқув юртларига кирган ёшлар, улар неча нафар бўлишларидан қатъий назар, билимгоҳни битириб кетгунларига қадар ҳар ойда бизнинг ҳисобимиздан 600 сўмдан стипендия билан таъминланиш тўғрисидаги шартномадир. Мен уни болалар уйи директориға топшираман.

Даврада қарсақлар ав-

жига чиқди. Чунки болалар уйидан ҳар йили жумҳурият олий ўқув юртларига кираётганлар кам эмас. Бу ерда уларнинг ҳуқуқ билим олишлари борасида вилоят халқ таълими бошқармаси, ноҳия халқ таълими бўлими мунтазам ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Шу кунни яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Болалар уйи мурабийси Ҳолида Фаёзова тўн ва қийиқча кўтариб келиб қолди. Уни бундан ўн йил аввал ўзи тарбиялаган ҳозир эса болалар уйида жисмоний тарбиячиси бўлиб ишлаётган Шавкат Мўхаммадиевга кийгазди. Маълум бўлишича, Ҳолида опа ўн йил аввал ўз ўқувчисиға меҳр кўрғазиб, уни ётқизиш олишга жонкуярлик қилган экан. Тўйболалар қаторида йиғилганлар Ҳолида опани ҳам, унинг талабасини ҳам табрикладилар.

Тўй серфайз ўтишида вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳов, Бўка район маданият бўлими бадий жамоаларининг хиссалари катта бўлди. Шу кунни қўшиқлар қўшиқларга, рақслар рақсларга уланди. Айниқса, тантана иштирокчилари ўзларининг мазали таомлари билан хушиуд этган Равашан Оқбўтаев бошлиқ 1-умумий овқатланиш корхонаси пазандаларидан миннатдор бўлдилар.

Ўз урфимиз, одатимизга кўра режалаштирилган бу тўй катта шодиёнага айланди. Оналик, оталик меҳрига муҳтож қалбларда бир умрлик секинча туйғулари



ни тўлқинлантирди.

Тантана ниҳоясида болалар уйи директори Виктор Им кўрсатилган ҳиммат учун вилоят, район ҳокимликларига, ширкатлар раҳбарларига, тўйга бош-қош бўлган барча кишиларга, маҳалла фаолларига, савобли инсонларга чин дилдан миннатдорчилик изҳор этди. Тўй сўнггида Бўка масжиди мутаваллиси — отахон Ҳомид Абдукаримов Қуръон тиловат қилдилар.

Яхшиликнинг қаноти бўлади. У энди Бўка районидан бошқа ҳудудларга ҳам кўчмоқда.

Адолат НОСИРОВА,
Сайдвали ҲАСАНОВ.

● СУРАТЛАРДА: нуруний отахон Ҳомид Абдукаримов (юқорида, ўнгда) тўй ниҳоясида тиловат билан, болаларни дуо қилдилар; Суннат тўйи тантанасидан лавҳалар.

Сураткаш В. ХАРИТОНОВ.







КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 1.VI

УзТВ I

18.00 Янгилликлар.
18.10 «Чамандаги гулларимиз». Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланди.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 М. Тургунбоева номидаги Ўзбек Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти.
19.50 «Инсон ва қонуни».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Қайтар дунё». Теле-спектакль.
22.10 «Ямбуй ажинаси». Ба-

диний фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Совуш».
19.00 «Ассалому алайкум» (такрор).
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Болалар».
22.40 «Исмининг унутмас». Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»

I канал

Останкино

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якуилар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгилликлар.
8.20 «Тарихнинг муҳим давра-ри» руқинда: «Бой берилган вақтин излаб». Телефильм.

8.40 «Ўлик малика ва етти ба-хадир ҳақида эртанг». Мультфильм.
9.10 «Наврўз-92» театрлар фес-тивали.
10.10 «Брэйв-ринг».
11.00 Янгилликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемист».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгилликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Бу бўлган, бўлганди...».
14.40 «Ошиқ балиқ». Телевизи-он бадий фильм.

15.55 Турли мамлакатларнинг эртанглари ва афсоналари.
«Хўжа Насриддин» (Туркия).
16.05 Болалар ойнаи жаҳон уюшмаси таништилади. «Ча-борок» (Минск).
16.45 «Келажакқа назар таш-

ласак...». Телевизион лицей ҳақида сўз.

17.00 Янгилликлар.
17.20 «НЭП».
17.45 Футбол шарҳи.
18.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Бу денгиз ёқасида бўлган эди». Бадий фильм («Ленфильм»).

19.45 Хайрли тун, кичкинтой-лар!

20.00 Янгилликлар.

20.20 «Кечки альбом». К. Нек-расова.
20.40 «Янги студия» таништи-рад: «Матбуот клуби». Танаф-фус пайтида — [23.00] Янги-ликлар.

00.15 «Ошиқ балиқ». Телевизи-он бадий фильм.

«ДУБЛЬ IV»

«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар дав-ри.

20.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канали таниш-тиради. «Доктор Тейран». Уч серияли телевизион ба-дий фильм премьераси. 1-серия (Франция).

21.55 «Фермата». Ахборот-му-сикий кўрсатув.

22.15 «Беш ҳалқа».

22.45 Халқаро танлов соврин-дори Юрий Корчинский ча-лади (скрипка).

23.00 Янгилликлар.

23.35 Кўрсатувлар тартиби.

23.40 «Оқ кучук-91». Оммавий эстрада рақслари халқаро фестивали.

00.40 «Дубровский». Тўрт се-рияли телевизион бадий фильм. 1-серия.

«ДУБЛЬ IV»

«Россия» канали

7.00 Хабарлар.

7.20 Француз тили. 1-йил шу-гулланайтганлар учун.

7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Авто».

8.05 Француз тили. 2-йил шу-гулланайтганлар учун.

8.35 Болалар соати (немис тили дарси билан).

9.35 «Сиз яратган бог».

10.05 «Визави». «ЮНЕСКО — Чернобыль» тадбири.

10.35 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

11.05 Кундузги сеанс. «Моно-лог». Бадий фильм.

12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

14.55 Янгилликлар.

15.10 «Болалар орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 5-серия.

15.30 Мульт-пульт. «Оқ на-палак».

15.40 Христианлар учун кўрса-тув.

16.10 «Простор...».

16.40 Телевизион ахборот ти-жорат кўрсатуви.

16.55 Эълонлар.

17.00 Хабарлар.

17.20 Париж мулоқотлари. 1-кўрсатув. Н. Саррот.

18.00 Криминал хабарлар.

18.15 «Россия билан юзма-юз».

18.30 Москвада славян ёзувлари ва маданияти байрами. «Қардошлиқ алифбоси».

19.15 «Хар бир кун байрам».

19.25 «Санта-Барбара». Кўп се-рияли бадий телефильм премьераси. 50-серия.

20.15 Мульт-пульт. «Оқ на-палак».

20.25 «Ретро» студияси.

20.55 Эълонлар.

21.00 Хабарлар.

21.20 Трансроссфир: «Белостон фокиаси».

21.50 «Богда вальс». Лавҳа.

22.00 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

22.30 Театр сафари. «Михаил Чернякнинг Марк Твен-шоу-си».

8.20 Италия тили.
8.50 «Биринчи тайм».
9.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ» белгиси билан.
9.20 Трансроссфир: «Белостон фокиаси».
9.50 Мульт-пульт. «Оқ на-палак».
10.00 «Ойкумена».
12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 Янгилликлар.

15.10 Болалар соати (немис ти-ли дарси билан).

16.10 «Инжил бизнинг кунла-римизда».

16.40 Телевизион ахборот ти-жорат кўрсатуви.

16.55 Эълонлар.

17.00 Хабарлар.

17.20 Трансроссфир: «Светлая-нинг оқ-қора солиномаси».

(Владивосток шаҳри).

18.10 «Мансаб алифбоси».

18.25 «Россия билан юзма-юз».

18.40 «Сиз яратган бог».

19.10 «Хар бир кун байрам».

19.20 «И-2» таништилади. «Но-таниш Буринов». «Дустинга хат».

20.10 «Кейинги пушаймон».

Хунжкатли фильм.

20.35 «Каслин гран-приси». Ки-ноочери.

20.45 Спорт хабарлари.

20.55 Эълонлар.

21.00 Хабарлар.

21.20 «Бешинчи гилдиран». Ба-дий публицистик кўрсатув.

23.05 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

11.05 Кундузги сеанс. «Моно-лог». Бадий фильм.

12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

14.55 Янгилликлар.

15.10 «Болалар орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 5-серия.

15.30 Мульт-пульт.

15.40 Христианлар учун кўрса-тув.

16.10 «Простор...».

16.40 Телевизион ахборот ти-жорат кўрсатуви.

16.55 Эълонлар.

17.00 Хабарлар.

17.20 Париж мулоқотлари. 1-кўрсатув. Н. Саррот.

18.00 Криминал хабарлар.

18.15 «Россия билан юзма-юз».

18.30 Москвада славян ёзувлари ва маданияти байрами. «Қардошлиқ алифбоси».

19.15 «Хар бир кун байрам».

19.25 «Санта-Барбара». Кўп се-рияли бадий телефильм премьераси. 50-серия.

20.15 Мульт-пульт. «Оқ на-палак».

20.25 «Ретро» студияси.

20.55 Эълонлар.

21.00 Хабарлар.

21.20 Трансроссфир: «Белостон фокиаси».

21.50 «Богда вальс». Лавҳа.

22.00 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

22.30 Театр сафари. «Михаил Чернякнинг Марк Твен-шоу-си».

11.05 Кундузги сеанс. «Моно-лог». Бадий фильм.

12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

14.55 Янгилликлар.

15.10 «Болалар орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 5-серия.

15.30 Мульт-пульт.

15.40 Христианлар учун кўрса-тув.

16.10 «Простор...».

16.40 Телевизион ахборот ти-жорат кўрсатуви.

16.55 Эълонлар.

17.00 Хабарлар.

17.20 Париж мулоқотлари. 1-кўрсатув. Н. Саррот.

18.00 Криминал хабарлар.

18.15 «Россия билан юзма-юз».

18.30 Москвада славян ёзувлари ва маданияти байрами. «Қардошлиқ алифбоси».

19.15 «Хар бир кун байрам».

19.25 «Санта-Барбара». Кўп се-рияли бадий телефильм премьераси. 50-серия.

20.15 Мульт-пульт. «Оқ на-палак».

20.25 «Ретро» студияси.

20.55 Эълонлар.

21.00 Хабарлар.

21.20 Трансроссфир: «Белостон фокиаси».

21.50 «Богда вальс». Лавҳа.

22.00 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

22.30 Театр сафари. «Михаил Чернякнинг Марк Твен-шоу-си».

11.05 Кундузги сеанс. «Моно-лог». Бадий фильм.

12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

14.55 Янгилликлар.

15.10 «Болалар орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 5-серия.

15.30 Мульт-пульт.

15.40 Христианлар учун кўрса-тув.

16.10 «Простор...».

16.40 Телевизион ахборот ти-жорат кўрсатуви.

16.55 Эълонлар.

17.00 Хабарлар.

17.20 Париж мулоқотлари. 1-кўрсатув. Н. Саррот.

18.00 Криминал хабарлар.

18.15 «Россия билан юзма-юз».

18.30 Москвада славян ёзувлари ва маданияти байрами. «Қардошлиқ алифбоси».

19.15 «Хар бир кун байрам».

19.25 «Санта-Барбара». Кўп се-рияли бадий телефильм премьераси. 50-серия.

20.15 Мульт-пульт. «Оқ на-палак».

20.25 «Ретро» студияси.

20.55 Эълонлар.

21.00 Хабарлар.

21.20 Трансроссфир: «Белостон фокиаси».

21.50 «Богда вальс». Лавҳа.

22.00 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

22.30 Театр сафари. «Михаил Чернякнинг Марк Твен-шоу-си».

11.05 Кундузги сеанс. «Моно-лог». Бадий фильм.

12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

14.55 Янгилликлар.

15.10 «Болалар орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 5-серия.

15.30 Мульт-пульт.

15.40 Христианлар учун кўрса-тув.

16.10 «Простор...».

16.40 Телевизион ахборот ти-жорат кўрсатуви.

16.55 Эълонлар.

17.00 Хабарлар.

17.20 Париж мулоқотлари. 1-кўрсатув. Н. Саррот.

18.00 Криминал хабарлар.

18.15 «Россия билан юзма-юз».

18.30 Москвада славян ёзувлари ва маданияти байрами. «Қардошлиқ алифбоси».

19.15 «Хар бир кун байрам».

19.25 «Санта-Барбара». Кўп се-рияли бадий телефильм премьераси. 50-серия.

20.15 Мульт-пульт. «Оқ на-палак».

20.25 «Ретро» студияси.

20.55 Эълонлар.

21.00 Хабарлар.

21.20 Трансроссфир: «Белостон фокиаси».

21.50 «Богда вальс». Лавҳа.

22.00 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

22.30 Театр сафари. «Михаил Чернякнинг Марк Твен-шоу-си».

11.05 Кундузги сеанс. «Моно-лог». Бадий фильм.

12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».

14.55 Янгилликлар.

15.10 «Болалар орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 5-серия.

15.30 Мульт-пульт.

15.40 Христианлар учун кўрса-тув.

16.10 «Простор...».

16.40 Телевизион ахборот ти-жорат кўрсатуви.

16.55 Эълонлар.

17.00 Хабарлар.

17.20 Париж мулоқотлари. 1-кўрсатув. Н. Саррот.

18.00 Криминал хабарлар.

18.15 «Россия билан юзма-юз».

18.30 Москвада славян ёзувлари ва маданияти байрами. «Қардошлиқ алифбоси».

19.15 «Хар бир кун байрам».

19.25 «Санта-Барбара». Кўп се-рияли бадий телефильм премьераси. 50-серия.

20.15 Мульт-пульт. «Оқ на-палак».

20.25 «Ретро» студияси.

20.55 Эълонлар.

21.0

премьераси (Польша).
17.00 Янгилликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «...16 бешгача ва ундан катталар».
18.05 «Бойлар ҳам йиғилади». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
18.30 «Марк Захаровнинг... мовизмлари».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «КТВ-1» ҳамда «Франс-

интернациональ» канали таништилади. «Доктор Тейран». Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.
22.00 «Тасвирдаги сурашти». В. Белов.
22.40 «Орлов сувенири» ансамбли ижро этади.
22.55 Кўрсатувлар тартиби.
23.00 Янгилликлар.
23.35 «Овозли йўлка».
00.05 «Муҳофаза ёрлиги».
00.35 «Дубровский». Тўрт се-

рияли телевизион бадий фильм. 3-серия.
● «ДУБЛЬ IV» «Россия» канали
7.00 Хабарлар.
7.20 Испан тили. 1-йил шуғулланайтганлар учун.
7.50 Ишдан бўш пайтингида. «Диққат, сурагга олаётган».
8.05 Испан тили. 2-йил шуғулланайтганлар учун.
8.35 «Оқ қарга».
9.20 «Халфана».
10.00 «Асл ҳолича».
11.00 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 51-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
14.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
14.40 Кундузги сеанс. «Аёз бо-бо». Бадий фильм.
16.00 «Виринчи тайм».
16.15 «Россия ва дунё».
16.45 «Жаноблар-уртоқлар».
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Россия билан юзма-юз».
17.40 «Нота бене» студияси.
18.20 Мульти-пульт.
18.30 «Хроно». Авто ва мото-

спорт оламида.
19.00 Ишдан бўш пайтингида. «Қушлар биз билан йиғилади».
19.20 «Хар бир кун байрам».
19.30 Махсус тижорат хабарномаси.
19.40 Союзлар уйининг Колонна залида баҳор бали.
20.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Бешинчи гилдиран». Бадий-публицистик кўрсатув.
23.10 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

Жума, 5.VI

● УЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Гулбаҳор Эрқулова куйлайди.
8.15 «Оилавий ҳаётдан лавҳалар». Бадий фильм.
9.35 Инглиз тили.
10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.50 Хор куйларидан концерт.
* * *
18.00 Янгилликлар.
18.10 «Табиатин асрайлик». Мультифильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўқиймиз, жон қўшимиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Чорвадор».
19.30 «Навоийхонлик».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Мумтоз куйлардан концерт.
21.50 «Экология ва саломатлик». Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш халқаро кунига бағишланади.
22.50 «Жаноб «Р». Бадий фильм.

00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
16.50 «Меморлар». Телефильм.
17.35 Хужжатли фильм.
17.55 Брифинг (рус тилида).
18.20 «Анна пенди».
18.30 «Иқтисодиёт ва ҳаёт» (рус тилида).
19.15 «Инсон ва табиат».
20.00 Янгилликлар.
20.10 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Гулки пурсади».
21.00 «Ватан». Мусикий ахборот.
22.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 1-серия.
23.10 Янгилликлар.
● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино
4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгилликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгилликлар.

8.20 «Бойлар ҳам йиғилади». Кўп серияли телевизион бадий фильм.
8.45 «Москва трюси» чалади.
9.05 «Инжиқой». Мультифильм.
9.25 «Доктор Тейран». Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.
11.00 Янгилликлар.
11.20 «Сайхатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Бридинг».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 Виктор Третьяков чалади.
14.55 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.
16.00 «Истеъдодлар ва муҳлис-лар».
16.50 «Тойчоқ». Мультифильм.
17.00 Янгилликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Инсон ва қонун».
17.55 «Леннебергтик Эмил».
Болалар учун кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9-серия.

18.20 ТВ-Нева: «Ким биз билан!».
18.40 Россия деҳқонларининг тақдир ҳақида телефильм премьераси (Саратов).
19.15 «Аёл театрида» Ярославль фестивали. «Кулги билан».
«Унисон» комик-гурӯҳи.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Гжель жиллолари». Телефильм.
20.40 «ВИД» таништилади «Муъжизалар майдони», «Музобоз», «Ж» программаси, «Сийёсий бюро». Танафус пайтида — (00.15) «Дубровский».
21.00 «Истеъдодлар ва муҳлис-лар».

● «ДУБЛЬ IV» «Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланайтганлар учун.
8.50 Ишдан бўш пайтингида. «Телестройсервис».
9.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланайтганлар учун.
9.35 «Пилигрим».
10.20 «Нота бене» студияси.
11.00 «Ролан Гаррос». Теннис

бўйича Франциянинг очик чемпионати.
11.50 «Мансаб алифбоси».
12.05 Кундузги сеанс. «Охириги саҳифа». Бадий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *

14.10 «Простор».
14.40 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати. Париждан кўрсатилади.
16.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.40 «М-трест».
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 «Хали англамаган кинот».
18.05 «Оқ қарга».
18.50 «Менга сўз беринг».
19.00 Парламент хабарномаси.
19.15 Спорт хабарлари.
19.20 «Хар бир кун байрам».
19.30 «Бугун дунёни англаб».
Бадий фильм.
20.45 Криминал хабарлар э-рани.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Пеликан» тадбири. Хайрия концерти.
22.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
22.50 Петербург афсонаси. Д. Храмс. «Пайтинги пойла». Евг. Луношков ижросида моноспектакль.
23.25 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очик чемпионати.

Шанба, 6.VI

● УЗТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Бембининг болалиги». Бадий фильм.
9.15 Спорт кўрсатувлари: 1. «Шоҳрух» клуби. 2. «Ўзбекистон спорт».
10.15 «Қизил Яримой шуъласи».
11.00 «Китоб ва ҳаёт».
11.30 «Ангор истиқбол».
11.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзгор ташвиши».
12.35 «Халқ ижодиёти».
13.25 «Ўзбекистон, Ватаним меним». Адабий композиция.
14.10 «Аждодлар мероси — хазина».
* * *
18.00 «Қанотли хўнқича». Мультифильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Нафосат оламида». Телефильм.
19.40 «Санъатимиз юлдузлари». Республикада хизмат

кўрсатган артистлар Феруза Солихова ва Элмурод Исмо-мов.

20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Истиқлол йўлида». Хоразм ҳокими Маркс Жуманиёзов билан суҳбат.
21.50 Бадий фильм (Ҳиндистон).
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
11.55 «Туркман тўйлари». Хужжатли фильм.
12.20 Спорт кўрсатувлари.
12.50 «Оба дурмуш».
* * *
17.25 «Ватан химоячилари» (рус тилида).
18.20 «Шадиан бидже».
19.30 «Оналик мактаби».
20.00 Янгилликлар (рус тилида).
20.10 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.25 Туркменистон Президент сайловига тайёргарликда.
21.00 «Ватан». Мусикий ахборот.
22.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 2-серия.

23.25 Футбол. «Копетдаг» — «Ахал».

● «ОРБИТА IV» I канал Останкино

5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгилликлар.
7.30 Эрталабки гимнастика.
7.40 Спорт ҳамма учун.
8.10 «Мусикий чолгулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси (Германия). 1-серия.
8.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин».
8.55 Кўрсатувлар тартиби.
9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Марказ».
10.10 «НУЖ»: эълон қилинмаган ташриф.
10.40 Рус мусиқаси саҳифалари. С. Рахманинов. «Алеко».
11.10 Тиббиёт сиз учун.
11.50 «Китобхона».
12.40 «Майя арисси». Кўп серияли мультифильм премьераси.
13.05 «Жосуслик воқеалари».

Хужжатли фильм премьераси. 2-серия.

14.00 Янгилликлар.
14.20 «Зазеркалье». «Бинафшаранг шар». Бадий фильм.
15.50 «Қизил квадрат».
16.30 «Хайвонот оламида».
17.10 «Бахтли тасодиф».
18.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Профессор Доуэлиннинг васияти». Бадий фильм («Ленфильм»)
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Наҳот бу ўша Татьяна бўлса!» «Манбалар» туркумидан телефильм.
21.25 М. Равель. «Дафнис ва Хлоя». Балетдан иккинчи сюита.
21.40 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Танафус пайтида — (23.00). Янгилликлар.

● «ДУБЛЬ IV» «Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Хужжатли панорама. «Кержак бурчаги».
7.40 Фольклор. «Анулиха».
8.00 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.

8.30 «Очиқ дунё».
9.15 «Севги иккори».
9.30 «03» кўрсатуви.
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 «Оддий суҳбат».
11.45 «Бурда модери» тақлиф этади...
12.15 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
12.45 «Могиканлар». А. С. Пушкин асарларини П. Луспеная, В. Ларонова, С. Юрсний ижро этади.
13.15 «Қандай лийшмиш?».
14.00 Кундузги сеанс. «Мафтунокор бахт юлдузи». Бадий фильм. 1-серия.
15.25 Вариацияли мавазу. «Старая Москва» рус халқ чолгулари ўшлар ансамбли.
15.40 Россия қобусномаси. «А. С. Пушкин ва рус маданиятининг тақдир».
16.25 «Маски-шоу».
16.55 Эълонлар.

17.00—21.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНЕСИНИНГ
«ДУСТИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.30 «Пепси» стилида мусиқа.
23.20 Рок-концерт. «Браво» ансамбли.
24.00 Ишдан бўш пайтингида. «Диққат, сурагга олаётган».
00.20 «Капитанга турмушга чиқмоқчидан». Бадий фильм.

Якшанба, 7.VI

● УЗТВ I

7.00 «Субҳидам».
8.00 «Бембининг ёшлиги». Бадий фильм.
9.05 «Биргаликда куйлаймиз».
9.35 «Қувноқ стартлар».
10.25 «Меҳр». Публицистик кўрсатув.
11.15 Тижорат канали. Ҳаққулобод тикувчилик фабрикаси.
11.45 «Тазквондо: Ўзбекистон спортчилари жаҳон биринчилиги олдидан».
12.30 «Фан ва деҳқончилик».
13.05 Дони Зокиров номидан халқ чолгу оркестрининг концерти.
13.45 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона онлада».
* * *
18.00 «Ертинкулоқ ва ялқова».
«Қизча ва қўнлар». Мультифильмлар.
18.25 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Қўнғироқча».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Онада сайхат». Кино-кўрсатув.
20.05 «Рақслар гулдаси».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Уйимизда тинчлик, осо-

йишталик бўлсин».
21.40 Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишланган кеча ва концерт.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
8.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программалар: «Мезгилбектин мезгили», «Қирғизча сўзлашгани» ўрганамиш, «Бобок, сенин жомоғун», «Моорой», «Балдардин турмушу меймандардин козу менен», «Ачык ко-нул балдарбиз», «Силер билесинерби», «Қызықтуу адам менен жолугушуу: О. Кутманалиев», мультифильмлар...
* * *
17.35 «Баҳс», «Қуёнча». Мультифильмлар.
17.50 «Бедорлар клуби». Телефильм.
18.00 Р. Шуманиннинг «Аёл муҳаббати ва ҳаёт» вокал туркуми, Салима Бекмуратова куйлайди.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Кубулжу менен ирларим».
20.20 Кечки видеосалон.

● «ОРБИТА IV» I канал Останкино

5.20 «Рухин чиниктириш».
6.20 Кўрсатувлар тартиби.
6.25 Ритмик гимнастика.
6.55 Янгилликлар.
7.30 «Спортлото» тиражи.
7.40 «Эрта саҳарлаб».
8.20 «Хамма нарса бўлиши мумкин».
8.50 «Тонг юлдузи».
9.40 «Пил» белгиси билан.
10.10 «Камалан» халқ ижоди-ти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Ясмин гулдаси» (Тунис).
10.50 «Саҳнанин орқа томонидан». Табассум билан. Н. Крачковская.
11.05 «Марафон-15».
11.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништилади. «Бавоий табнат кўриқчалари» туркумидан телефильм премьераси. 2-фильм.
12.25 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
12.55 «Нинаи Каердаи Качони».
13.55 Кўрсатувлар тартиби.
14.00 Янгилликлар.
14.15 «Сайхатчилар клуби».
15.05 «Камел трофи» авторал-

лиси.
15.30 «Уолт Дисней таништи-ради»...
16.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.40 Кўрсатувлар тартиби.

*
17.45 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Джайпа» (Исландия).
18.05 «Телелогия».
18.20 «Юлдузлар инъоми». В. Спиваков раҳбарлигидаги «Виртуозин Москва» камер оркестрининг чиқиши.
21.00 «Яқунлар».
21.45 Кўрсатувлар тартиби.
21.50 Телефильм.
22.00 «Муқаддас картография». Телевизион бадий фильм премьераси. «Нодир асарларининг ишчибозлари» криминал туркумидан (Италия).
23.00 Янгилликлар.
23.15 Кўрсатувлар тартиби.
23.20 «Кинотавр-92».
23.50 «Регби-15». Уртоқлик учрашуви. МДХ терма коман-даси — «Барбаранс» (Жаҳон терма командаси).
00.50 Москва тинчлик халқаро марафони.

● «ДУБЛЬ IV» «Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Хужжатли панорама. Самарканд кинохроника студияси режиссёри Б. Свойскийнинг «Қишлоқ воқеалари» ҳамда «Эпитафия» фильмлари ретроспективаси.
8.10 «Халфана».
8.50 Ишдан бўш пайтингида. «Диққат, сурагга олаётган».
9.05 «Хоҳ ишонинг...».
9.40 «Калит».
10.10 «Суперинтоб». Мультифильм. 15-серия.
10.35 «Аты-баты»...
11.05 «Пётр I». Театрлаштирилган телевизион танлов.
12.05 Ўз ишининг усталари. «Скрипкачи В. Третьяков». Видеофильм премьераси. 4-фильм.
13.00 Кундузги сеанс. «Мафтунокор бахт юлдузи». Бадий фильм. 2-серия.
14.20 «Ифодаваш санъати».
14.40 «Хайвонот оламида».
15.40—18.30
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНЕСИНИНГ
«ДУСТИК»
ВИДЕОКАНАЛИ
18.20 Ўз ишининг усталари. «Унутилмас ва бетакрор В. Хеннин». Танили астрада ва сахна артисти ижодида бағишланган кўрсатув.
19.25 «Хар бир кун байрам».
19.35 Фольклор. «Анулиха».

«Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 29 май сонидан олинди.



Пойтахтимиздаги 296-ўрта мактабда ўқув йили муваффақиятли якунига бормоқда. Бу даргоҳда ўқувчилар Азиза Хўжаевадек мапалаки биология муаллимидан, Мухиддин Жўраевдек моҳир она тили ва адабиёт ўқитувчисида чуккур билим олдилар. Бу энкорлар болаларга қалб қўларини бағишлаган устозлардир.

Суратларда: (чапдан ўнгга) 46 йилдан буён муаллимлик қилиб келаётган М. Жўраев ўқувчилари билан мулоқотда; А. Хўжаева талабалари дилига табиатга меҳр туйғусини сингдира олган мураббийдир.

Сураткаш Р. АЛБЕКОВ.



● Ҳайратомуз ҳодисалар

28 ЙИЛДАН СЎНГ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

АСТРОНАВТ ГИНСОН ЖАМИЯТНИ ЛАРЗАГА СОЛАДИ

НАСА расман бу воқеани шарҳлаб бермади. Кема командири, унинг йўқолиши ва ажабланарли қайтиб келиши ҳақида чурқ этмади.

Астронавт қаерда бўлган? Нима қилган?

НАСАда хизмат қилувчи хусусий кишилар бу ерда биз қандайдир изоҳлаб бўлмайдиган воқеага дуч келдик, дейишмоқда.

— Бизнинг командир Гинсон билан алоқамиз у старт олгандан кейин 3 соат 58 дақиқа ўтган, узилиб қолди, — деди НАСAnинг расмий вакили. Бу вазифа махфий бўлгани учун бу ҳақда кенг баёнот бераолмас эдик. Бизнинг ҳужжатларимизда Чарльз Гинсон дом-дараксиз йўқолган шахс, деб қайд қилинган.

Коинотда ғойиб бўлганидан кейин сал кам 28 йил ўтган, Америка ҳарбий денгиз қисми Гинсондан радиограмма қабул қилган. Шундан кейин

бироз ўтган, уммонда Чарльз тушган капсулани тутишган ва кема бортига тортиб чиқаришган.

— У ўзини жисмонан яхши ҳис қиларди, бироқ ҳеч нарсани эслай олмас эди, — баён қилди репортёрларга НАСА ходими. — Узининг шунчалик узок муддат давомида ерда бўлмаганлигининг сабабини тушутиролмади.

Астронавтининг ҳолати аянчли эди, унинг сўзларидан ҳеч нарса тушуниб бўлмасди. У қаерда бўлганлиги, коинотда яшовчилар ёки бошқа «ғайритабиий» кучлар билан мулоқотда бўлган-бўлмаганлиги ҳақида берилган саволга Гинсон фақат «Бошқа ҳеч вақт!.. Сиз тушунишингиз керак... Бу бизнинг душманларимиз» деб жавоб берарди. Кейинги берилган саволлар унинг жазавасини кўзгатар ва йиғлатарди.

НАСAnинг бу ҳақда расмий тахмини йўқ. Чунки, Гинсон

вазифаси соф ҳарбий таъсифга эга эди ва сир сақланганди. У билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар архив билан бирга ғойиб бўлди. Ҳатто, Гинсон НАСА штатида бўлганлиги ҳақидаги далил ҳам йўқ.

Гинсон 6 ойга мўлжалланган ёқилғи, озиқ-овқат ҳамда сув захиралари билан таъминланган бўлсаю қандай қилиб 28 йил яшаган? «Ташқи кучлар»нинг иштирокисиз бундай бўлиши мумкин эмас.

Командир Гинсон Калифорниядаги авиация базасида карантин муддатини ўтамоқда.

12 нафар репортёр Эдварс авиация базасига яқин жойда муттасил кўз-қулоқ бўлиб турипти, мақсад — шов-шувга сабаб бўладиган материал олишдир. Машхур поляк кихини Кшиштоф Буллишконинг таъкидлашича, яқинда Гинсон тилга киради, ўшанда унинг ҳикояси жамиятни ларзага келтиради.

● Футбол

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

РЕСПУБЛИКА олий лига биринчилигида ўтган турда «Янгир» жамоасини йирик 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратган «Нефтичи» клуби жадалнинг биринчи поғонасига кўтарилди. Агар турнир жадвалига назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки олти ўринни эгаллаб турган жамоалар бугун бўладиган 14-тур ўйинларида ғолиб келсалар ёхуд мағлубиятга учрасалар жадвалда жиддий ўзгариш бўлиши табиий. «Пахтакор» футболчилари бугун иккинчи поғонада бораётган Бухоронинг «Нурафшон» жамоасини, фарғоналиклар эса ўз майдонларида Самарқанднинг «Мароқанд» футболчиларини қабул қиладилар.

13-тур натижалари билан танишинг:

«Пахтакор» — «Сурхон» — 4:0,
«Пахтакор-79» — «Нурафшон» — 0:1,
«Орол» — «Навбахор» — 1:0, «Шахрихон» — «Мароқанд» — 2:0, «Косонсой» — «Кимёгар» — 2:0, «Чирчиқ» — «Трактор» — 1:2.

Турнир жадвалида дастлабки олти ўринни қуйидаги жамоалар эгаллаб турибди:

Командалар	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
Нефтичи	8	1	2	23	6
Нурафшон	6	5	1	16	8
Сўғдиёна	8	0	3	16	7
Пахтакор	7	2	2	22	8
Темирўлчи	6	3	3	15	7
Навбахор	5	5	3	16	9

қуйидаги ҳисобга ҳоли-бақудрат пул ўтказишингиз мумкин: ҳисоб-китоб рақами 000 164901 Киров саноат қурилиш банкида МФО 172682304.
(Эълон ҳайрия тариқасида бепул чоп этилмоқда).

ДИҚҚАТ!

ГАЗ-24 автомашинасининг двигатели шошилинч сотилади. У тошкентлик моҳир моторист томонидан биринчи марта таъмирланиб, йиғилган. Двигателнинг бензобакию корбоксидан тортиб, то радиоторигача

ҳамма қисмлари бор. Қисмларга бўлиб сотилмайди. Энг асосийси ДАНдан рухсатнома олинган. Қуйидаги телефон орқали мурожаат қилинг: 29-83-71 (иложи борица соат 18 дан 22.00 гача).

● Бу қизиқ!

114 СОАТ...

НАФАС ОЛМАЙ

● ХИНДИСТОНЛИК Равиндра Машра кўл тубида шунча вақт ўтказди. Бу ҳайратомуз, унга ишонини ҳам қийин. Бироқ бу бўлган воқеа. Хиндистон фуқароси Равиндра Мишра оролининг ҳаво умуман йўқ тубида олти кун ва тунни ўтказди, буни юзлаб кишилар томоша қилдилар ва олимлар гуруҳи кузатиб турди. Юқорига таъомила соғлом ҳолда чиққан бу киши 70 ёшга тўлган кекса эди.

— Бу жуда ғаройибдир, — деди гувоҳ бўлган Сесхари Бхатт Ревада (Хиндистон) репортёрларга. У бошқа 400 киши қаторида кўлда олти кеча-кундуз бўлган эди.

— Бизнинг устамиз ўзининг муқаддаслигини исботлади. Устанинг ўзи Равиндра Мишра матбуот вакиллари бунини Хиндистон худоси Кали ёрдамида ва унинг шарафига амалга оширганлигини камтарона айтди:

— У менга чидам адо этди. Бу фақат унинг хизмати.

Гумонсирганлар дарҳол қарияни алдоқчиликда айбланганга тушдилар, у ҳеч кимга билдирмай хуфёна кўл сатҳига чиққан ёки найча орқали нафас олиб турган, деб ҳисобладилар. Бу тухматни Калькуттадаги дорилфунун олими, руҳшуноси ва тиббиёт ходими доктор Ракеш Кавади инкор этди. У таъриба вақтида икки нафар ходим билан биргаликда бу ҳодиса устидан махсус анжом ойнаси орқали назорат қилиб турган эди.

— Равиндра Мишра нафас олмай 144 соат 16 дақиқа 22 сония яшади, — деб матбуот вакиллари ахборот берди доктор Кавади. — У 19 метр чуқурликда доим нилуфар ҳолатида ўтирди, кўл тубида уни кўрғошнинг тошлари ушлаб турди.

Олимлар қандайдир мослашми ёрдамида гавданинг барча вазифаларини энг кам миқдоргача қисқартирди, деб ҳисобламоқдалар.

Шу нарса ҳам маълумки, хинд брахманлари ўзларнинг бирнеча кун тупроққа кўмиб қўйилишига розилик беришган ва ундан бутун ҳамда шикастланмасдан қайтиб чиқишган, бироқ тупроқ қатламидан оз миқдорда бўлса ҳам кислород кириб туради, бу эса махсус летаргия (узок уйқуга кетилганда) ҳолатида етарли бўлиши мумкин. Деярли 20 метрли сув қатлами кислородни умуман ўтказмайди. Шундай экан, Равиндра Мишранинг тирик қолганлиги чиндан ҳам мўъжизадир.

Бу ҳодиса хусусида фан ҳеч нарса дея олмайпти.
(«НЛО» иловасидан).

● ЭЪЛОН ●

ҲАЙРЛИ ИШГА ҲИССА ҚЎШИНГ, АЗИЗ БИРОДАРЛАР!

Тошкент шаҳар, Юнусобод ноҳиясидаги «Гидростанция» маҳалла мўминтаси ўз ҳудудидаги «Минг ўрик» кўчасида мадраса қуришга киришмоқда. Қурилиш ишлари асосан жамоатчилик ёрдамида, ҳашар усулида ва хайрия сифатида тушадиган маблағлар ҳисобига олиб борилади. Агар ушбу савоб ишга ҳисса қўшмоқчи истасангиз,

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.